O’zbekiston Respublikasi
Sirdaryo viloyati
hokimining
QARORI

Республика Узбекистан
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
хокима Сырдарьинской области

2019 yil “23” сентябрь № 240 Guliston sh.

Шаҳар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш тарифларини белгилаш тўғрисида

“Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12 ва 16–моддаларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги “Шаҳарда ва шаҳар атрофида қатнайдиган йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида”ги 455-сон қарорининг 1-бандига асосан шаҳарларда йўловчилар ташиш транспортида йўловчилар ташиш хизматларининг чекланган тарифларини белгилаш ҳамда Молия вазирлигининг 2019 йил 14 августдаги 04/15-03-32/2608-сонли хатига мувофиқ “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 14-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25- моддаларига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарларида автобус ва йўналишли таксиларда йўловчилар ташиш транспорт хизматларининг чекланган тарифи бир йўловчи учун бир маротаба юришга 1000 (бир минг) сўм, ташиш учун рухсат берилган ҳар бир багаж (юк) ўрни 500 (беш юз) сўм миқдорида белгилансин.

2. Йўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган амалдаги имтиёзлар сақлаб қолинсин.

3. Вилоят монополияга қарши курашиш бошқармаси (З. Маматкаримов), вилоят транспорт бошқармаси (О. Эрбеков), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ж. Ғойибов) ва вилоят молия бош бошқармаси (А.Рахимов) шаҳар транспортларида йўловчилар ва багаж (юк) ташиш хизматлари кўрсатилишида ўрнатилган тарифларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширсин.

4. Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳар ҳокимликлари вилоят транспорт бошқармаси (О. Эрбеков) билан биргаликда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда бошқа қулай, самарали усулларда шаҳар транспортларида йўловчилар ва багаж (юк) ташиш хизматлари кўрсатилишида ўрнатилган тарифларни аҳолига ва манфаатдор ташкилотларга белгиланган тартибда етказиш вазифаси юклатилсин.

5. Қарор “Сирдарё ҳақиқати” газетасида чоп этилсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Вилоят ҳокимининг 2017 йил 6 февралдаги “Шаҳар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш тарифларини белгилаш тўғрисида”ги 55-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Вилоят ҳокимлиги девонхона мудири (Ғ.Содиқов) мазкур қарор қонуний кучга кирган куни шаҳар ҳокимликларига, тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаларига юборилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ж. Ибрахимов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Ғ. Мирзаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI HOKIMLIGINING MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM №2